Куч — адолатда

2012 йил,
18 август,
шанба
№ 32 (389)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Маданият ва истироҳат боғлари юрт ободлиги, аҳоли фаровонлигининг ўзига хос кўзгусидир. Мамлакатимиздаги шундай сўлим гўшаларни сайр қилган киши одамларимизнинг юзидаги байрамона кайфият, қалбидаги хотиржамликка гувоҳ бўлади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг мазмунли дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Шаҳару қишлоқларда маданият ва истироҳат боғлари, кўнгилочар масканлар бунёд этилмоқда. Уларнинг моддий-техник базаси ҳам давр руҳи, миллий менталитетимизга мос равишда такомиллаштирилаётир.



ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИДА БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу жиҳатлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи фаолиятида ҳам ўз ифодасини топаётир.

Мустақиллик йилларида бу ерда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Боғ ҳудуди кенгайтирилиб, моддий-техник базаси янгиланди. Жорий йилда боғ фаолиятини янада яхшилаш ишларига 430 миллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Кўлнинг икки қирғоғини бирлаштириб турувчи, умумий узунлиги 90 метрдан иборат 180 сув пуркагичли янги фавворалар қуриб битказилгани ушбу масканга янгича тароват, мусаффолик бахш этмоқда. Оқшомлари турфа рангли чироқлар фавворалларга камалак тусини беради. Янги барпо этилган музқаймоқ кафеси, ширинликлар шохобчалари ҳамюртларимиз, айниқса, кичкинтойларнинг жону дили.

(Давоми иккинчи бетда)

Munosabat

Юрист кадрлар тайёрлаш тизими янада такомиллашади

Мамлакатимизда демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд томонидан ҳимоялашни кучайтириш ва кенгайтириш, одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва мустақиллигини таъминлаш йўлида изчил ислоҳотлар амалга оширилди.

Суд тизимини ислоҳ этишдаги муҳим йўналишлардан бири — суд тизими ходимлари ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ҳисобланади. Президентимизнинг 2012 йилнинг 2 августда қабул қилинган **«Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

(Давоми иккинчи бетда)

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий мақсади фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг манфаатларини таъминлашдан иборатдир.

Миллий қонунчилигимизда фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар белгилаб қўйилгани ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Зеро, кундалик ҳаётда фуқаролар бир-бирлари билан хоҳ мулкий, хоҳ моддий шаклда бўлсин, турли соҳаларда муносабатга киришадилар. Бу эса, албатта, шартномалар орқали расмийлаштирилади.

Huquqiy ma`rifat

Қарз шартномаси

унинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

Маълумки, шартномалар ўз мазмун-моҳиятига кўра, турли кўринишда бўлади.

Шулардан бири қарз шартномасидир.

Бугунги кунда қарз муносабатлари миллий қонунчилигимизда алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 41-бобида қарз шартномаси, унинг шакллари, қарз олувчи ва берувчининг мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

(Давоми учинчи бетда)

Mulohaza

Юксак маънавиятли ёшлар

порлоқ истиқболимиз эгаларидир

Бугунги ҳаётни тараққиёт меваси бўлган қўл телефонлари, миникомпьютерлар, интернет ва электрон почта сингари ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу воситалар орқали энди дунёнинг исталган бурчагидаги кишилар билан бир сонияда боғланиш мумкин. Жаҳоннинг энг нуфузли олий ўқув юртлари кутубхоналаридаги нодир китобларни ҳам интернет орқали бемалол ўқиса бўлади.

Таълим-тарбия самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларининг аҳамияти катталиги боис, бугунги кунда мамлакатимиздаги деярли барча таълим муассасалари интернет халқаро тармоғига уланган бўлиб, ўқувчилар, талаба-ёшлар ҳамда ўқитувчилар ўзлари қизиққан маълумотларни қийналмай топишлари мумкин.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mezon

Фарзандлар ҳуқуқ ва манфаати

қонун билан ҳимоя қилинади

Маълумки, ҳар бир инсон ҳаётида оила муҳим ўрин тутади. Албатта, оила тинч ва мустаҳкам бўлса, унда вояга етаётган фарзандлар тарбияли, оқил инсонлар бўлиб улғайишади. Шу боис ҳам халқимиз азалдан оилани муқаддас санаб келади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда оилага бўлган эътибор янада кучайиб, энг муҳими, унинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. Бош қомусимизда оилани мустаҳкамлаш, оналик, оталик ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиш кафолатлари белгиланди.

Жумладан, Асосий қонунимизда ота-оналар фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар, деб белгиланган. Шунингдек, Конституциямизнинг 64-моддасида «Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради» дея қайд этилган.

Дарҳақиқат, қонунчилигимизда барча болаларнинг меҳр-муҳаббатга муносиб эканлиги ва уларга ғамхўрлик кўрсатилиши ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

(Давоми учинчи бетда)

Burch va mas`uliyat

Солиқ мажбурияти

уни ўз вақтида адо этиш иқтисодиёт ривожига хизмат қилади

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти тизими чуқурлашаётган ҳозирги босқичда тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омилига айланаётир.

Истиқлолнинг ўтган даврида мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳа фаолиятини рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди.

Айни пайтда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланиши тартиби жорий этилди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизими такомиллаштирилиб, уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Нотариал тасдиқланган битимлар

томонлар манфаатига хизмат қилади

Аввало шуни айтиш керакки, фуқаролик тартибида кўрилаётган ишларнинг салмоқли қисмини битимлар ташкил этади. Масалан, олди-сотди бўлганлигини тасдиқлаш, олди-сотди шартномасини ҳақиқий, деб топиш ёхуд олди-сотди ва ҳадя шартномаларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги ишлар шулар жумласидандир.

Фуқаролик кодексининг 113-123-моддалари талабига кўра, битимларнинг ҳақиқий эмас, деб топилишнинг асослари турлича. Жумладан, битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битимлар суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Munosabat

Юрист кадрлар тайёрлаш тизими янада такомиллашади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фармонда суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Умумюрисдикция судлари судьяларининг меҳнат ҳақини ошириш, даромад солиғидан озод этиш, имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитлари бериш, судлар фаолиятига ахборот-технологияларини жорий этиш, судьяларнинг малакасини ошириш каби масалаларнинг ечими ҳужжатда аниқ акс этган.

Маълумки, ҳар қандай ислоҳотнинг самарали кечиши кадрлар масаласига боғлиқдир. Чуқур билим, кенг дунёқараш, амалий кўникма ва юксак маънавиятга эга бўлган малакали ходимлар амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигининг гаровидир. Шу боис Президентимиз Фармонида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Унда қатор мутасадди ташкилотларга юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини кўриб чиқиш учуш киритиш вазифаси топширилди.

Бу каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юрист кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакаси доимо талаб даражасида бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, юқори малакали юрист кадрлар тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш давр талабидир. Ҳуқуқий давлат асосларини барпо этишда етук ҳуқуқшунос мутахассислар зиммасига катта масъулият юкланиши табиий. Шубҳасиз, бугун ана шу хайрли ишларга ишончли пойдевор яратилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, судьяларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган мазкур фармон талабларининг ҳаётга тўлатўкис татбиқ этилиши суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ошишига, суд ҳокимиятининг обрў-эътибори янада юксалишига хизмат қилади.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
Тошкент давлат юридик институти ректори

Mustaqilligimizning 21 yilligi oldidan

Истироҳат боғларида байрамона кайфият



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ёши улуғ ҳамюртларимиз яхши эслайди: авваллари бу боғнинг ҳар бир бурчагида камида биттадан пивохона бўларди. Қачон қараманг, маст-аласт кишилар тентираб юргани учун одамлар бу ерда оилавий ҳордиқ чиқариш, фарзандлари билан сайр қилишдан ҳижолат бўларди.

Боғдаги кўлга сув тозаланмасдан, тўғридан-тўғри қуйилгани боис, доим лойқа ва ифлос бўларди. Вақт ўтиши билан бу чиқиндиларнинг кўл тубига чўкиши оқибатида сув таркиби бузилиб кетарди.

Бугун эса, манзара тамомила бошқача. Эндиликда бу боғ халқимизнинг нафақат маданий ҳордиқ чиқаришида, балки маънавий-маърифий ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутади. Ватанимизнинг энг мўътабар айёмлари – Мустақиллик ва Наврўз байрамлари, Алишер Навоий таваллудига бағишланган тадбирлар, мустақил ҳаёт остонасидаги келинкуёвларнинг илк қадамлари шу ердан бошланади.

Истироҳат боғида турли маданий дастурлар ташкил этиш, мижозларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгайтирилди. Бу ерда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар ёш авлодни Ватанга муҳаббат, садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир. Хусусан, бу ерда «Ватан туйғуси», «Адабиёт», «Табиатшунослик» сингари фанлар бўйича очиқ дарслар, мушоиралар, турли кечалар ўтказиш яхши анъанага айланган. «Яшил чироқ» маърифий тадбирлари, спорт мусобақалари, турли кўрик-танловлар боғ қўйнида янада завқли ўтади.

Боғдаги кўлнинг суви махсус фильтрлар ёрдамида бир неча босқичда тозаланади. Оқимнинг Бўрижар канали томон йўналтирилгани сувнинг доимий янгиланиб туришини таъминлайди. Тўққиз гектардан иборат мовий кўл ҳаво мўътадиллигини маромида сақлайди.

Боғ маъмуриятидан маълум қилишларича, жорий йилда ушбу ҳудудга қарийб 1200 туп эман, япон сафораси, каштан сингари манзарали, серсоя дарахтлар, арча, 700 туп турфа гул кўчатлари ўтқазилган. Йўл-йўлкалар қайта асфальтланди, янги майсазорлар барпо этилди. Мавжуд икки минг тўрт юздан ортиқ дарахт оқланиб, уларга шакл берилди. Атрофга салқинлик бағишлаб турган сув пуркагичлар, мўъжаз фавворалар, суғориш тизимлари янгиланди. Оммавий томошалар учун мўлжалланган иккита саҳна тубдан таъмирланди. «Болалар поезди», «Қувноқ карнавал», «Орбита», «Батут» каби янги аттракционлар фойдаланишга топширилди.

Боғда ўтказилаётган миллий ҳунармандлик кўргазмалари, полвонлар мусобақаси, дорбозлар, миллий цирк санъати усталарининг кўрик-танловлари, алла, лапар, ўлан ижрочилари иштирокидаги фестиваллар, сайллар, халқ ижодиёти ансамблларининг концертлари, кечалар ҳамюртларимиз ва хорижлик меҳмонларга манзур бўлмоқда.

— Бу боғ менга кўтаринки кайфият бағишлайди, — дейди «Янги Себзор» маҳалласида истиқомат қилувчи Соҳиба Комилова. — Шу ерга келсам, ўзимни янада тетик ҳис қиламан. Бу ерга эрталаб келгандик. Аттракционларнинг рангбаранглиги, мовий кўлдаги саёҳат боис куннинг қандай кеч бўлганини сезмай қолибмиз. Табиат бағридаги бундай дам олиш жойлари инсонга маънавий қувват беради, саломатлигини янада мустаҳкамлайди.

— Невараларим билан бу ерга тез-тез келиб турамиз, — дейди Насиба Сайидаҳмедова. — Ўтган асрнинг 80-90-йилларида бу жойларга оқшом тугул, ҳатто кундузи келишга ҳам чўчирдик. Негаки, бефайз, эътибордан қолган бундай парклар бетайин одамлар тўпланадиган жойга айланиб қолган эди. Ҳозирги серсоя ва файзли боғ, ҳамюртларимизнинг бахтиёр чеҳраси, ўз ҳаётидан мамнунлик, шукроналик ифодаси кўнгилларга шодлик улашади.

Янгича қиёфа касб этаётган ушбу маданият ва истироҳат боғи инсон манфаатларини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган.

Qonun ko`magi

Тадбиркорлик равнақи — тараққиёт гарови

Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ушбу йўналишда зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Адлия идоралари жойларда қонун ижросини ўрганишда, тадбиркорлар ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда асосий эътиборни уларнинг бузилган ҳуқуқларини тақдимномалар киритиш йўли билан ёки суд тартибида тўлиқ тиклашга, қонунбузилишида айбдор саналган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортилишини ҳамда тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ ундириб берилишини таъминлашга, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатишга қаратмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўтказилган ўрганишларда 841 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган. Уларни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга 70 дан ортиқ тақдимнома ва огоҳномалар киритилди.

Ушбу таъсир чоралари натижасида 116 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари тадбиркорлар фойдасига 210 миллион сўмдан ортиқ маблағни ундириш бўйича судларга 89 та даъво аризалари киритилди.

Шунингдек, адлия бошқармаси томонидан берилган таклифларга кўра, тадбиркорларга нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этган олти нафар шахс суд қарорига асосан маъмурий жаримага тортилди. Масалан, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ходими Х.Аманов Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёхуд вилоят ҳудудий комиссиясининг рухсатисиз «Агро Браво», «Цвета востока» масъулияти чекланган жамиятларида ҳамда «Каттақўрғон ёғ-мой» очиқ акциядорлик жамиятида ноқонуний текшириш ўтказган.

Вилоят адлия бошқармаси Х.Амановни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241[1]-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига таклиф киритди. Суднинг шу йил 28 мартдаги қарори билан Х.Аманов энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари миқдорида жаримага тортилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, мамлакатимизнинг бугунги ривожланиш босқичида тадбиркор манфаати — мамлакат ва халқ манфаати сифатида эътироф этилмоқда. Шундай экан, тадбиркорликнинг ривожига кўмак бериш фаолиятимиз мезонига айлансин.

Абдуҳамид ТАМИҚАЕВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Burch va mas`uliyat

Солиқ мажбурияти

уни ўз вақтида адо этиш иқтисодиёт ривожига хизмат қилади



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Яна шуни таъкидлаш жоизки, тадбиркорларнинг манфаатларини кафолатлаш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилди. Жаҳон тажрибаси ва солиққа тортишнинг синовдан ўтган ёндашув ва тамойилларини ўрганиш асосида янги Солиқ кодекси қабул қилинди.

Солиқларни бошқаришнинг замонавий метод ва механизмлари жорий этилиб, солиқ идораларининг яхлит тизими яратилди.

Айтиш керакки, ҳаётда яратилган шарт-шароитларга қарамай солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан атай бўйин товлайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Масалан, А.Абдужабборов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Пахтаобод туманида «Андижон баркамол қурилиш» хусусий корхонасини ташкил этади. Корхона чакана савдо ва қурилиш маҳсулотларини сотишга ихтисослаштирилган бўлиб, А.Абдужабборов туманнинг бир қатор ҳудудларида кичик дўконлар ташкил этиб, ўз фаолиятини кенгайтиради. Лекин у даромад тўпишнинг қинғир йўлини танлайди. У корхона бош ҳисобчиси Ф.Баҳромов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, корхонанинг Избоскан тумани темир йўл станциясида жойлашган марказий омборидан 719 миллион 680 минг сўмлик қурилиш маҳсулотларини нақд пулга сотади. Аммо савдодан тушган пулнинг ярмини назорат касса машинасига кирим қилиб, қолганини кирим қилмай тегишли қонун талабларини қўпол равишда бузади. Шунингдек, улар ушбу омбордан 58,7 тонна цементни сотиб, савдодан тушган пуллардан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашмаган.

Солиқ ходимларининг корхонада олиб борган текширувлари натижасида А.Абдужабборов ва Ф.Баҳрамовнинг барча қилмишлри фош этилиб, улар жиноий жавобгарликка тортилди. Суд томонидан А.Абдужабборов ва Ф.Баҳромовга жазо тайинлашда давлатга етказилган зарарни қоплангани, солиқдан қарзи қолмаганлиги инобатга олиниб, тегишлича жазо чоралари қўлланилди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир тадбиркор яратилаётган имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланиш бирга, зиммасидаги мажбурият ва масъулиятни ҳам унутмаслиги керак. Зеро, қонун иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшаётган ҳақиқий тадбиркорни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Р.ТОШМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Пахтаобод тумани судининг раиси

Халқимиз азал-азалдан аёлларнинг қадр-қиммати, шаънини улуғлаб келган. Чунки аёл фарзандларимиз онаси, тарбиячиси, оиламиз таянчи саналади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда ҳам оиласи, ҳам жамиятимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган аёллар кўпчиликни ташкил этади.

Qilmish-qidirmish

Фириб

Бироқ баъзан ҳаётда ўзига нисбатан билдираётган ҳурмат-эҳтиромнинг қадрига етмай, нафс қутқусида эгри йўлга қадам қўядиган аёлларнинг ҳам учраб туриши афсусланарлидир. Чарос Содиқовани ҳам шундай тоифага киритиш мумкин.

Тақдир экан, у чет элга турмушга чиқиб, ўша ерда яшаб қолади. Эндигина 28 ёшни қаршилаган, икки фарзанднинг онаси бўлган бу аёл борган жойида тинчгина яшаб, ҳалол меҳнат қилиш ўрнига фирибгарлик йўлини тутди.

Гап шундаки, Чарос бир йилда бир марта Ўзбекистонга, ота-онасининг уйига келиб турарди. Онаси асли шероободлик бўлгани сабабли у ҳар гал келганида бобо-бувисининг уйида меҳмон бўларди.

Аммо бу сафар Чарос ва унинг онаси Шероободга бошқа бир мақсадда йўл олишди.

Албатта, уйга меҳмон келса, бир зумда қариндош-уруғ, ёр-дўстлар йиғилишади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Чарос ва унинг онаси келганини эшитган қариндошлар йиғилишиб, дийдорлашишди. Ана шундай меҳмондорчилик асносида Чарос, агар чет элга ишлашни хоҳловчилар бўлса, ёрдам беришим мумкин, деб қолди.

— Турмуш ўртоғим чет элда автомобил-эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш заводида етакчи мутахассис бўлиб ишлайди, — дея гапни узоқдан бошлади Чарос. — Мабодо, болаларингиз ишлаш учун бормоқчи бўлишса, виза олишни қанчалик тезлаштирса, иш шунчалик осон кўчади. У ёғини эса, менга қўйиб беринглар, ҳаммасини ўзим ҳал қиламан.

Айтиш жоизки, меҳмондорчиликда давранинг тўрида ўтирган Санобар опа ҳам қизининг бу гапларини тасдиқлаб турди.

Албатта, «ҳожатбарор» жияннинг бу гаплари қариндошларнинг эътиборидан четда қолмади. Эртаси куни Чароснинг тоғасига қуда бўлмиш Абдулла Ҳайдаров ўғли Нуриллани хорижга ишга жўнатиш учун 4300 АҚШ долларини она-болага санаб берди. Орада ишонч бўлиши учун Чароснинг онаси Санобар опа ушбу маблағни олганлиги ҳақида Абдулла акага тилхат ҳам ёзиб берди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач эса, она-бола хорижда ишлашни истайдиганлар яна топиладиган бўлса, харажат пулларини Наманганга етказишни тайинлаб, жўнаб кетишади.

Орадан бир ойдан зиёд вақт ўтишига қарамасдан, биронбир хабар бўлавермагач, отабола Ҳайдаровлар безовта бўла бошлашди. Улар ҳатто икки марта Наманганга ҳам бориб келишди. Чарос аллақачон хорижга жўнаб кетган, онаси Санобар опа эса, ҳар гал ҳали иш топилмагани, агарда бирор-бир янгилик бўлса, албатта, уларга етказишни ваъда қилиб, Абдулла Ҳайдаровни ортига қайтариб юбораверади.

Huquqiy ma`rifat

Қарз шартномаси

унинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қонун талабига кўра, қарз шартномаси бўйича бир тараф, яъни қарз берувчи иккинчи тараф ҳисобланган қарз олувчига пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради. Қарз олувчи эса, қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, шунча суммадаги пул ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади. Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Қонун талабига кўра, фуқаролар ўртасидаги қарз шартномаси қарз миқдоридан келиб чиқиб ёзма шаклда тузилиши лозим. Қарз шартномасининг ёзма шакли дейилганда, қарз берувчи билан қарз олувчи ўртасида тузилган қарз шартномасининг тегишли тартибда нотариал тасдиқланган битими тушунилади. Ушбу битимда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартноманинг оқибатлари тўлиқ акс эттирилган бўлади. Бу қоидага риоя қилмаслик эса, шартномани ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўлади.

Ҳаётда баъзи фуқаролар ҳар доим хам қарз шартномасини қонуний равишда расмийлаштириш учун нотариал идорага мурожаат қилавермайди. Аксарият ҳолларда улар тилхат олиш билан кифояланади. Яъни қарз олган киши мазкур тилхатда олган қарзини маълум муддатда, лозим бўлса, фоизи билан қайтариш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Қонунларимизда миллий тамойиллардан келиб чиқиб, бу ҳолга ҳам эътибор берилган. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 733-моддаси 3-қисмига кўра, агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланиши белгиланган. Чунки тилхат бир шахснинг иккинчи шахс олдидаги қандайдир мажбурияти ёки муайян ашё ёхуд буюмни олганлигини ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.



Шу ўринда мисолларга мурожаат этсак, Наманган туманида яшовчи С.Содиқов 2009 йилнинг 15 декабр куни тилхат ёзиб, унда ҳамқишлоғи К.Маматовдан 500 АҚШ доллари қарзи борлигини ва шу қарзини 2010 йилнинг 15 февралга қадар тўлиқ қайтариб беришини кўрсатган. Демак, бу тилхатнинг ўзи қарз шартномаси тузилганидан далолат беради. Аммо С.Содиқов тилхатда ёзган қарзини белгиланган муддатда қайтармаганлиги сабабли К.Маматов судга мурожаат қилишга мажбур бўлган ва фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан С.Содиқовдан даъвогар К.Маматовнинг фойдасига 500 АҚШ долларининг Ўзбекистон Республикаси давлат курси бўйича 895690 сўм, шунингдек, даъвогар К.Маматов тўлаган давлат божи ва бошқа сарф-харажатлари учун қўшимча 59785 сўм ундирилган.

Юқорида келтириб ўтилганидек, қарз шартномаси бўйича қарз олувчи олган қарзини қарз берувчига шартномада белгиланган муддатда тўлиқ қайтариш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Шунингдек, қонунларимизда қарз олувчи ўз мажбуриятини бажармаган тақдирда қарз берувчига ўзининг манфаатларини қонун доирасида таъминлашни талаб қилиш ҳуқуқи ҳам белгиланган. Яъни қарз берувчи қарз олувчидан келишилган муддатда олган қарзини тўлиқ ёки қисман қайтармагани учун қарз олувчидан қарз олинган суммага нисбатан фоиз олиш ҳуқуқлари ҳам белгиланган.

Яна мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Янгиқўрғон туманида яшовчи А.Маҳкамов олти ой муддатда қайтариб бериш шарти билан таниши М.Бойдадаевдан 3,6 миллион сўм қарз олган ва бу ҳақда тилхат ёзиб, унда олган асосий қарзидан ташқари ҳар ойда ўн фоиз устамасини ҳам беришини кўрсатган. А.Маҳкамов олган қарзини қайтармаганлиги сабабли М.Бойдадаев судга мурожаат қилган. Судда А.Маҳкамов асосий қарзидан ташқари фоизини ҳам бериши лозимлигини инкор қилмаган. Иш ҳолатидан келиб чиқиб, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди даъвогарнинг даъвосини тўлиқ қаноатлантириб, унинг фойдасига жавобгардан асосий қарз билан бирга фоиз ҳам ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Қарз шартномаси юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фақат фуқаролар эмас, балки фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида ҳам тузилиши мумкин. Бундай шартнома ҳозирда банклар билан фуқаролар, тадбиркорлар ўртасида ҳам тузилмоқда. Айтиш керакки, бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ёш оилалар фаровонлигини ошириш борасида қатор тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва шу асосда имтиёзли кредитлар берилмоқда.

Бироқ ёрдам сифатида берилган маблағни ўз вақтида қайтармаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик жамиятининг Жомашўй бўлими билан Мингбулоқ туманидаги «Аҳмадшер» фермер хўжалиги ўртасида 2010-2011 йилларда «Ғалла-2011», «Пахта-2011» имтиёзли ҳамда «Ғалла-2011» тижорат кредит шартномаси тузилган. Мазкур шартномага асосан банк томонидан фермер хўжалигига ғалла ва пахта ҳосилини етиштириш мақсадида босқичма-босқич кредит ажратиб берилган. Бироқ фермер хўжалиги фаолияти тугатилганлиги ва хўжаликнинг мол-мулки ва дебитор ҳақлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли банкка кредитдан бўлган қарзлари қайтарилмаган. Шу сабабли фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогар «Микрокредитбанк» очик акциядорлик жамияти Жомашўй бўлимининг судга келтирган даъвоси қаноатлантирилиб, банк фойдасига жавобгарлардан 2040550 сўм қарз ундирилган.

Хулоса қилиб айтганда, қарз берувчи ва қарз олувчи асрлар давомида амалда бўлиб келган миллий удумларимизга, амалдаги қонун талабларига риоя қилсалар, фуқаролар ўртасида турли низолар келиб чиқишига, ортиқча оворагарчиликларга барҳам берилади.

Абдурасул ЭРАНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг раиси

Fuqarolik qonunchiligi

Нотариал тасдиқланган битимлар

томонлар манфаатига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Таъкидлаш жоизки, битимлар билан боғлиқ ишларни фуқаролик тартибида кўришда нотариал тартибда тасдиқланган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Самандар Рашиддан 10 минг АҚШ доллари миқдорида қарз олади. Қарз берувчи қарзнинг таъминоти сифатида қарз олувчига ўзига тегишли бўлган хонадонни гаровга қўйишини айтади. Шу мақсадда Рашид Самандарга бир қоғозга имзо қўйдиради. Кейинчалик маълум бўлишича, бу ҳужжат қарздорга тегишли бўлган уй-жойнинг сотилганлиги ҳақидаги олди-сотди шартномаси бўлиб чиқади. Табиийки, Самандар судга олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраб мурожаат қилади.

Судда кўрилган холатларга қараганда, жавобгар ва даъвогар ўртасида олди-сотди шартномаси амалда тузилмаган. Тузилган олди-сотди шартномаси ҳам қонунчилик талабларига зид равишда расмийлаштирилган. Жумладан, суд тарафидан тайинланган экспертиза хулосасига кўра, олди-сотди шартномасидаги имзо ҳақиқий бўлса-да, нотариал ҳаракатларни қайд қилиш расмий китобидаги имзо қалбаки бўлиб чиқди. Бундан ташқари иш ҳужжатларидан кўринишича қарздор қарз берувчига 3.900 АҚШ долларини қайтарган. Кўриниб турибдики, даъвогарнинг уйини сотиш мақсади бўлмаган.

Шу боис суд тарафлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини алдаш таъсирида тузилганлиги сабабли ҳақиқий эмас, деб топди. Бундан ташқари суд Фуқаролик процессуал кодексининг 19-моддаси талабига кўра, нотариал идора масъул ходимларига нисбатан ҳам хусусий ажрим чиқарди. Бу келгусида бундай камчиликларга йўл қўйилмаслигига хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, юқоридаги ҳолатда нотариус қонун талаби бўйича иккала тарафнинг ҳам манфаатини кўзлаб иш юритганида, ортиқча оворагарчиликка ўрин қолмасди. Зеро, **«Нотариат тўғрисида»**ги қонуннинг 18-моддасига кўра, нотариуслар жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши зарур. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, томонлар тақдим этган битим лойиҳалари мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириши, ушбу битимлар мазмуни томонларнинг асл мақсади ва қонун талабларига зид келишкелмаслигини текшириши шарт. Хулоса ўрнида айтганда, бу меъёрларга тўлиқ риоя этилиши амалда фуқаролар манфаатига хизмат қилади.

А.МАМАТОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти судининг судьяси

Mezon

Фарзандлар ҳуқуқ ва манфаати

қонун билан ҳимоя қилинади



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жумладан, Оила кодексининг 61-моддаси ва Олий суд Пленумининг **«Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида»**ги қарорига кўра, ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилганда, оталик онанинг ва ўзини боланинг отаси деб тан олган шахснинг биргаликдаги аризасига мувофиқ (боланинг онаси вафот этган, у суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, унинг яшаш жойини аниқлаш имкони бўлмаган ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолларда — ўзини боланинг отаси деб тан олган шахснинг аризасига мувофиқ) фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан белгиланади.

Оталик ёки оналик ҳуқуқининг белгиланиши ҳақида гап кетганда, боланинг моддий таъминоти, унга ғамхўрлик кўрсатиш масаласига тўхталиб ўтиши жоиз.

Айтиш керакки, Оила кодексининг 135-моддасига кўра, алимент тўлаши шарт бўлган шахс алиментни ихтиёрий равишда шахсан ёки ўз аризасига мувофиқ ишлаб турган жойида ёхуд пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағ олаётган жойида тўлайди. Вояга етмаган болалар учун олинадиган алимент, аризага мувофиқ, Оила кодексининг 99-моддасида белгиланган миқдорда ушлаб қолинади. Алиментнинг ихтиёрий равишда тўлаб турилиши алимент ундирувчини алимент ундириш ҳақидаги даъво ёки ариза билан хоҳлаган вақтда судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъи назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Алимент қарзи алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадидан ундирилади. Иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромад етарли бўлмаганда, алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг банклар ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисоб варақларида турган пул маблағидан, тижорат ва тижоратчи бўлмаган ташкилотларга шартнома асосида ўтказилган пул маблағидан ундирилади, мулк ҳуқуқининг ўтишига олиб келувчи шартномалар бундан мустасно. Бу маблағ етарли бўлмаганда ундириш алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг қонун бўйича ундириш қаратилиши мумкин бўлган ҳар қандай мол-мулкига қаратилади.

Мисол учун Ш.Сулаймонова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, С.Қосимов билан қонуний никоҳдан ўтмасдан турмуш қуришгани, кейинчалик турли келишмовчиликлар сабабли ота уйига қайтиб келганлиги, шундан сўнг ўғил фарзанд кўрганлиги, жавобгар билан қонуний никоҳи бўлмаганлиги сабабли фарзандига ўзининг фамилиясини берганлиги ва С.Қосимов фарзандини тан олишни хоҳламаётганлигини баён қилган ва С.Қосимовни ўғли Сардорнинг отаси деб белгилашни ҳамда алимент ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2012 йил 1 майдаги сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори билан даъвогар Ш.Сулаймоновнинг оталикни белгилаш ва алимент ундириш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилган. Яъни 2011 йил 10 март куни Самарқанд вилояти Жомбой туманида туғилган Сардор Сулаймоновга нисбатан Собир Қосимовнинг оталиги белгиланди. Шунингдек, Жомбой тумани ФҲДЁ бўлимига Сардор Сулаймоновнинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувига бу ҳақда зарур ўзгартириш киритиш мажбурияти юклатилди. Даъво аризасида сўралган алимент ундириш ҳақидаги талаб ҳам инобатга олиниб, Сардор Сулаймоновнинг таъминоти учун Собир Қосимовдан ойлик даромадининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент ундириш белгиланди. Ҳал қилув қарорининг алимент ундириш тўғрисидаги қисми дарҳол ижрога қаратилди.

Оила муқаддас маскан, унда келажак эгалари вояга етади. Шундай экан, эртанги куннинг ҳал қилувчи кучлари бўлган ёш авлод таълим-тарбиясига, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан улғайишига асло панжа орасидан қараб бўлмайди. Судлар томонидан оталикни белгилаш, алимент ундириш каби чора-тадбирлар ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари муҳофазасига хизмат қилмоқда.

Х.ЭШМУРОДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг судьяси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида лизинг олмоқчи эдик. Айтинг-чи, лизинг берувчи қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?

М.НАЗАРОВ,
Зарбдор тумани

– Қонунда белгиланганидек, лизинг берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- лизинг объектининг мақсадга мувофиқ ишлатилаётганлигини лизинг шартномаси шартларига ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилиш;
- лизинг олувчининг розилиги билан лизинг объекти ва унинг сотувчисини танлаш;
- қонун ҳужжатларида ёки лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лизинг олувчидан лизинг объектини талаб қилиб олиш;
- лизинг олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан илгари тўлашни ёхуд етказилган зарарни ундириб ва (ёки) лизинг объектини қайтиб олган тарзда шартномани бекор қилишни талаб этиш.

Айни чоғда лизинг берувчининг зиммасида бир қатор мажбурият ҳам бор. Жумладан, лизинг берувчи:

- лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиши ва уни лизинг олувчига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун бериши;
- лизинг берувчи лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига маълум қилиши (Фуқаролик кодексининг 591-моддаси) лозим.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Turmush chorrahalarida

Инсон вафоси билан гўзал

... Ўша кун Шарифа совуқ хабарни эшитиб, кўз олди қоронғи тортиб кетди. Эри Холмурод бошқариб келаётган трактор ҳалокатга учраб, йўл четидаги ариққа ағдарилиб тушган. Албатта, одамлар Холмуродни дарҳол касалхонага олиб боришган. Шифокорларнинг муолажаси ёрдам бердими ёки кўрадиган куни бор эканми, ҳарқалай, Холмуроднинг ҳаёти сақлаб қолинди. Аммо у ногирон, тўшакда михланиб қолганди.

Холмурод оилада ёлғиз фарзанд эди. У мактабда ўқиб юрган чоғида отаси вафот этгач, онаси ёлғиз боши билан уни вояга етказди. Кейин тежаб-тергаб Шарифага уйлантирди. Уйлантирдию, орадан кўп ўтмай ўзи ҳам омонатини топширди.

Булут ортидан қуёш чарақлаб чиққани каби қувонч ҳам бари бир йўқотиш ўрнини эгалларкан. Шарифанинг бошқоронғу бўлгани ҳақидаги хабар Холмуродни ниҳоятда қувонтириб юборди. Шу алфозда ойлар ўтиб эр-хотин ўртасидаги меҳр-муҳаббат ришталарини янада мустаҳкамловчи ўғли Рустамжон дунёга келди. Ёш оила хонадони чақалоқ йиғисидан сўнг янада ёришиб кетгандек бўлди. Аммо Рустамжон ота-онасига қараб талпинадиган бўлганида юқорида баён этилган нохуш ҳодиса юз берди.

(Давоми тўртинчи бетда)

тузоғи

Орадан бир йил ўтгач, товламачилик ва фирибгарликни ўзига «касб» қилиб олган Чарос Содиқова яна Тошкентга қайтиб келади.

Шундан сўнг у пойтахтдаги хонадонлардан бирида ижарада яшаб, содда ва ишонувчан одамларни макр «тўр»ига илинтира бошлади. Хусусан, у тошкентлик Орифа Мирғоиповaнинг кўпдан буён ўғли Фаррухни хорижга ишга жўнатиш ниятида юрганини аллакимдан эшитиб, дарҳол унинг олдига йўл олади.

— Опажон, ўғлингизни чет элга ишга жўнатиш ниятингиз борлигини эшитиб келдим, — деди Чарос ўзини ўта сипо тутган кўйи. — Ўзим ўша ерга турмушга чиқиб, яшаб қолганман. Келинг, сизга бир яхшилик қилай. Агар истасангиз, ҳужжатларни ҳам ўзим расмийлаштираман. Бунинг учун ҳозирча 133 АҚШ доллари берсангиз кифоя. Қолган ҳаражатларни эса, кейинчалик келишиб оламиз.

— Қанийди, — суюниб кетди Орифа опа. — Бу яхшиликларнингизни ҳеч қачон унутмасдим, сингилжон.

Шундан сўнг Чарос Орифа опадан бир амаллаб 133 АҚШ долларини олгач, изсиз ғойиб бўлди.

Фақат бугина эмас. Кейинчалик у айнан шундай фирибгарлик йўли билан Барно Турдиёрованинг 300 минг сўм, Нигора Йўлдошеванинг 399 АҚШ долларини қўлга киритади.

Осон йўл билан пул топиш фикру хаёлини банд этиб олган Чарос фирибгарликнинг янада «антиқа» усулларини ўйлаб топар эди. Жумладан, у компьютер техникаси воситасидан фойдаланиб, алдов йўли билан ўзгалар мол-мулкини қўлга киритиш мақсадида «Интернет»нинг «Иш ахтарувчилари» сайтига хорижга ишга юборамиз. Мурожаат учун телефон...» деган мазмунда ёзув ва уяли телефон рақамини киритади. Унинг бу тузоғига биринчи бўлиб Рихсихон Турсунова тушади.

Рихсихон опа Чароснинг ёлғон ваъдаларига ишониб, турмуш ўртоғи Ботир Турсунов, ўғли Бахтиёр Турсунов ҳамда жиянлари Фурқат ва Фахриддинларнинг ҳужжатларини тайёрлаш учун 1330 АҚШ доллари ҳамда 870000 сўм пулни қандай бериб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Бу ҳаётда ҳар қандай кўринишдаги қинғирликнинг қийиғи бугун бўлмаса, эртага, албатта, юзага чиқиши тайин. Ўз қуллари билан маблағни топширган фуқаролар бир товламачи аёлнинг макр «тузоғ»ига илинганликларини кеч бўлса-да, англагач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этишди.

Суриштирув ва тергов давомида Чарос Содиқованинг барча кирдикорлари фош этилди. Унга Жиноят кодексининг тегишли модда ва бандларига асосан қилмишларига яраша жазо тайинлаш ҳақида суд ҳукми ўқилди. Одамларга етказилган моддий ва маънавий зарарлар унинг ҳисобидан ундириладиган бўлди.

Ҳа, доно халқимиз бировнинг ҳақи буюрмайди, деб бежиз айтмаган. Буни яхши англаган ота-боболаримиз фарзандларини фақат ҳалол меҳнат қилишга ундаган. Ана шундай пурмаъно удумларимизни унутмай, уларга ҳар қадамда амал қилган одам ҳеч қачон қоқилмайди.

Машраб НУРМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Шеробод тумани судининг раиси

Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч-адолатда» мухбири

E'tirof

Юксак маънавиятли ёшлар

порлоқ истиқболимиз эгаларидир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Сир эмаски, интернет поёнсиз ахборот уммонига айланиб улгурди. Унда эзгуликка хизмат қилувчи маълумотлардан ташқари, миллий, диний, ирқий адоват тарқатадиган, шунингдек, беҳаёликни тарғиб этадиган, ғайриинсоний хатти-ҳаракатларни «ахлоқ» дея даъво қиладиган, бир сўз билан айтганда, «оммавий маданият»дан манфаатдор кимсаларнинг ёлғон-яшиққа тўла «ахборот»лари ҳам кўп учрайди. Зўравонлик, шафқатсизлик, беҳаёлик акс этган видеотасвирлар, маънисиз овоз ва шовқин қурамасидан иборат «қўшиқ»лар эса, ёшлар маънавияти учун ниҳоятда хатарлидир.

Фаровон ҳаётимиз тимсоли сифатида бугун мактаб ўқувчисининг қўлида ҳам уяли телефонни кўриш мумкин. Тўғри, ота-она фарзандининг қаердалиги, нима билан машғул эканлигини билиши учун у ғоятда қулай восита. Аммо юқорида саналган маънавий таҳдидлар ёшларимизга таъсир этмайди, деб бўлмайди. Шу маънода Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг тасдиқланиши муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда таълим муассасасига кириб келишда ҳар бир таълим олувчи, шунингдек, ходимлар ва таълим даргоҳига турли мақсадларда келувчи инсонлар уяли телефонининг овозини ўчириб қўйиши, яъни бошқаларга халақит бермайдиган, эътиборни тортмайдиган ҳолатга келтириши шарт.

Низомга кўра, таълим муассасасида таълим олувчиларга машғулотлар ва тадбирлар оралиғида фақат асосли ва кечиктириб бўлмайдиган зарур ҳолатларда ота-онаси, таълим муассасаларининг ходимлари билан боғланиш мақсадида уяли алоқа воситаларидан фойдаланишга рухсат этилади. Низом талаблари бузилган тақдирда эса, педагог ходим таълим олувчидан телефонни олиб қўйиш, бу ҳолат тўғрисида билдиришнома расмийлаштириш ва уни телефон билан бирга таълим муассасасининг директор (декан) ўринбосарига, кейинчалик уни ота-оналарга тақдим этиш ва огоҳлантириш бериш ҳуқуқига эга.

Дарҳақиқат, бугунги кунда уяли телефондан нафақат қўшиқ эшитиш, электрон луғат сифатида фойдаланиш, балки ёшларнинг ахлоқига салбий таъсир этувчи зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи расмлар ва аудиовидеоёзувларни тарқатишда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Шу боис, ота-оналар ўз фарзандларига уяли телефон олиб берар экан, уни тўғри ишлатишни, жумладан, таълим даргоҳларида фойдаланиш қоидаларини тушунтиришлари зарур.

Дунёнинг тараққий этган давлатларида ҳам уяли телефонлардан ёшларнинг фойдаланишида турли чекловлар жорий этилган. Мисол учун Италия, Греция, АҚШ ва Францияда бошланғич ва ўрта синф ўқувчиларининг мактаб биноларида уяли телефонлардан фойдаланиши мумкин эмас. Францияда уяли телефон операторларининг 14 ёшдан кичик мижозларга реклама хабарларини жўнатишлари қонунга зид ҳисобланади. Японияда эса, жамоат транспортларида юрганда уяли телефонни ўчириб қўйиш лозим.

Баркамол авлод — келажагимиз эгаси. Шу маънода таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом ўқувчилар, талаба-ёшларнинг ҳар томонлама сифатли таълим олишлари, миллий қадриятларга мос бўлмаган маълумотлардан ҳимояланишларида муҳим аҳамият касб этади.

Ойбек ҲАКИМОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Hikmat

Донолар дейдиларки:

Олдин айтмоқчи бўлган гапингни маъносини ўрган, сўнгра гапир.

* * *

Улкан дарахт мошдек уруғдан униб чиқади.

* * *

Миннатдорчиликдан миннатдор бўлиш ҳурмат келтиради.

* * *

Дўстнинг кичик бахтиёрлиги ҳам сенга олам завқини бағишлаши мумкин.

* * *

Кишининг хулқ-атвори унинг суҳбатида аён бўлади.

* * *

Меҳнатсиз муваффақият бўлмайди.

* * *

Вақт — энг олий ҳакам.

* * *

Сукут диққатни жамлашда инсон учун энг доно ҳаракатдир.

* * *

Энг яхши ҳаким, аввало, яхши тасалли берувчи киши бўлади.

* * *

Уч нарса дўстликни мустаҳкамлайди: дўстларнинг бир-бирларини зиёрат қилиб туришлари, самимий суҳбатлашишлари ва биргалашиб сайр-у саёҳат қилишлари.

Turmush chorrahalarida

Инсон вафоси билан гўзал

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

— Энди Шарифага қийин бўлади, — деди ўшанда кимдир.

— Ўтмаган кун борми, — деди бошқа биров, — ер юмалоқ, вақт ўтаверади. Ҳаммаси изига тушиб кетади.

Лекин Шарифага бари бир, осон бўлмади. Бир томонда тўшакдаги эр, иккинчи томонда ёш бола, яна бир томонда мол-ҳол, томорқа юмушлари...

Халқимиз мустақилликка эришганда Рустамжон ўн беш ёшга тўлганди. Кўп ўтмай оилаларга деҳқончилик учун қўшимча томорқа берила бошланди. Шарифа ҳам деҳқон хўжалиги юритиш учун ер сўраб ариза ёзди. Унинг фидойи ва меҳнаткашлигини яхши билган мутасаддилар ер ажратиб беришди.

Рустамжон ҳозир ўттиз беш ёшдан ошди. Орадан қанча қувонч ва шодликка тўла кунлар ўтди. Деҳқончилик ортидан келган даромаддан онабола янги уй қуришди. Кейин Рустамжоннинг бошини иккита қилишди. Ҳозир унинг икки ўғил, бир нафар қизалоғи бор. Тўй куни Рустамжон отаси Холмурод акани даврани тўрига ўтказиб қўйганини ҳали-ҳамон қишлоқ аҳли яхши эслайди. Ўшанда Холмурод аканинг кўзларидан дувдув ёш тўкилган, бу қувонч ва севинч ёшлари эди.

Шарифа аёл, она сифатида тақдир синовларини матонат билан енгиб ўтди. У нозик жуссаси билан аёл нималарга қодир эканлигини, оилага садоқат, вафо, келажакка умид, ҳаётга талпиниб яшаш, метиндек ирода эгаси эканлигини кўрсатди. Бир аёлнинг сабр-қаноат этагини маҳкам тутиб, ногирон эр ва ёлғиз ўғли тақдирини ўйлаб қилган матонатли меҳнати унга саодатли кунлар эшигини очди. Бугун Холмурод билан Шарифа набиралари даврасида юзларида севинч балқиб шундай кунларга етганларига шукрона айтиб яшашяпти.

* * *

Салимжон билан Зилоланинг тўйлари яхши ўтди. Тўйда ёру дўстлар келин-куёвга эзгу тилаклар билдиришди.

Салимжон табиатан юмшоқ, камтар ва содда йигит эди. У ҳеч қачон меҳнатдан қочмасди. Икки фарзандли бўлишгач, ота-она кўмаги билан қишлоқ четидан алоҳида уй-жой қуришди. Шу алфозда орадан тўрт йил ўтди. Тўнғичи ўн иккига, кичиги тўққиз ёшга тўлганда уларнинг оиласига гўёки кўз тегди.

Ҳаммасига Зилоланинг қўл телефони олгани сабаб бўлди. Бир куни тушлик пайтида Салимжон овқатланиб бўлгач, ёнбошлаб дам олаётганди, хотинининг телефонига «SMS» келди. «Телефон компаниясидан бирон-бир хабар келгандир», деган ўйда ўтиб, Зилоланинг телефонига яна «SMS» келди. Бу пайтда Зилола ошхонада кечки овқатга уннаётган, Салимжон эса, телевизор томоша қилаётган, болалар кўчада ўйнаб юришган эди.

Салимжон телефондаги хабарни ўқиркан, жаҳлдан бўғриқиб кетди. «SMS» кимнингдир ишқ изҳори эди. Ғазаби ичидан тошиб келаётган Салимжон ўзини босишга ҳаракат қилиб, ошхонага ўтди ва хотинига телефонни тутқазди. Зилола ҳам хабарни ўқиркан, «дув» қизарди. Бироқ сир бой бермади. У «кимдир янглишиб юборибди», дея индамай юмушини давом эттираверди.



Салимжон унга эътибор қилмади. Хабарни нариги хонада туриб эшитган Зилола ичкарига кирди. Телефон аппаратини токчадан олиб хабарга кўз ташларкан, юзида қандайдир ўзгариш сезилди. У шошма-пиша ўзини эшикка урди.

Хотинини кузатиб турган Салимжон унинг бежо хатти-ҳаракатидан ҳам бирон-бир шубҳа-гумонга бормади. «Антеннаси йўқлиги боис очиқроқ жойга чиқди, опасидан ёки бошқа қариндошидан хабар келган бўлса керак», деган фикрда индамай қўя қолди. Аммо орадан икки кун ўтиб, Зилола ошхонада кечки овқатга ўтирганида, Салимжон эса, телевизор томоша қилаётганида, Зилола ўша кимса ким эканлигини айтмади. Фақат «унда» кўнгли борлигини ҳаёсизларча айтишдан уялмади...

Оилага дарз кетган, уни қайта тиклаб бўлмасди. Салимжоннинг ориятли қаттиқ экан, у уйдан бош олиб чиқиб кетди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаётда сабр-қаноат, вафо ва садоқат каби гўзал инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган кишилар охир-оқибат барча орзу-тилакларига эришадилар. Ана шундай фазилатлардан мосуволик кишини жар ёқасига олиб келади. Юқоридаги воқеалар тафсилотлари ҳам шунинг тасдиғини кўрсатиб турибди.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Қадим-қадимдан олмахонларни қимматбаҳо териси учун овлаб келишган. Шундай пайтлар бўлганки, олмахонларнинг териси валюта ўрнида айрибошланган. Аммо кемирувчилар синфига мансуб бу чаққон, меҳнаткаш, тиниб-тинчимас жониворлар нафақат шу жиҳати, балки бошқа хусусиятлари билан ҳам кишини ҳайратга солади.

Sirli dunyo

Биз билган ва билмаган дунё

Масалан, олмахон беш қаватли уйча баландликдан пастга бемалол сакраса-да, бирон жойи лат емайди. Бунинг сабаби шундаки, олмахонлар баландликдан шунчаки сакрамайди, балки «уча» олади. Қизиғи, юқоридан пастга шиддат билан тушиб кетаётган олмахонлар ҳавода «қанот қоқиб», яъни кенг ёйилган панжаларидан қанот, паҳмоқ думларидан эса, ўзига хос бошқарув «рул»и ўрнида фойдалана оладилар. Яъни биз олмахонларларни у шохдан бунисига чаққонлик билан сакрайди, деб ўйлаймиз, аслида эса, улар думларини паррак сифат айлантирганча дарахтдан дарахтга учиб ўтади.

Маълумки, олмахонлар одатда, ўрмон ёки арчазорларда яшайди. Чунки ўрмон бу кичик жонзот учун ҳам озуқа беради, ҳам бошпана вазифасини ўтайди. Қизиқ жойи шундаки, ҳар бир олмахоннинг бир эмас, бир нечта уяси бўлади. Айрим пайтларда бу митти жонзотларнинг уйчалари сони ҳатто бештагача етиши мумкин. Олмахонларнинг ёзги турар жойлари қуш уясини эслатади. Ана шу уяни улар силлиқ том билан ёпиб, ичини енгилгина тўшама билан таъминлайдилар. Бундай қурилманинг тартибсизлиги олмахонларнинг палапартишлигидан далолат эмас. Аксинча, бу жонзотлар уяларини бошқа бировлар пайқаб қолишининг олдини олиш учун атай ана шундай йўл тутишади. Силлиқ том эса, йиртқич қушлар назаридан сақлашга ҳизмат қилади.

Олмахонларнинг қишки уялари анча-мунча пишиқ қилиб ясалган бўлади. Бу уялар шох-шаббалардан тиғиз қилиб шарсимон шаклда, ярим метр диаметргача катталикда қурилади. Шарнинг ичида эса, юмалоқ «хона» жойлашган бўлиб, унинг ичига ўт-ўлан ва патлар тўшалади. Албатта, бундай тураржой олмахон учун шинам маскан ўрнини босиб, одатда, улар бу ерда кўпинча ёлғиз яшайдилар. Фақат қиш қаттиқ келган пайтлардагина бир уяга бир нечта олмахон кириб олиб, бир-бирларининг пинжига суқилганча совуқдан ҳимояланишади.

Яқин-яқингача олмахонлар ёз бўйи йиғадиган озиқ-овқат заҳирасини қаерда сақлаши маълум эмасди. Чунки уларнинг ҳар куни йиғадиган қишки заҳираси ҳисоб-китоб қилинадиган бўлса, бундай озуқа омбори билан бир эмас, бутун бошли олмахонлар армияси қишда бемалол кун кўриши мумкин, деб ўйлайсиз. Аммо гап шундаки, бу жониворларнинг ана шундай тинимсиз меҳнатининг самарасини кўришга хотираси панд берар экан. Одатда, олмахонлар битта уясини озуқа заҳирасига тўлдириб бўлгач, қўшни дарахтлар ковагида ҳам омборхоналар қуришни, ёнғоқларни шу атрофга кўмишни, қўзиқоринларни дарахт шохларига осиб чиқишни қойиллатади-ю аммо, кейин уларни топишолмайди. Айнан паришонхотирлиги туфайли олмахонлар қиш давомида ҳақиқий уясида йиғилган озуқани тежаб кун кечиришга мажбур бўлишади. Албатта, баъзида олмахонлар ўзи йиғиб қўйган ёки бошқа бир олмахон кўмиб кетган заҳиралар хазинасини топиб олиши ҳам мумкин, аммо бундай омад жуда камдан-кам ҳолда насиб этади.

Ҳа, бу жониворларнинг хотираси у қадар мақтангулик эмасдир, аммо тилига келсак...

АҚШнинг Монитоба университети тадқиқотчилари илмий изланишларида аниқлашича, олмахонлар тили ҳайвонот оламидаги энг мураккаб нутқ ҳисобланар экан. Чунки олмахонлар хуриллаши, ғағиллаши, қариллаши (қарғага ўхшаб) ириллаши ҳам мумкин. Сиз бу жониворга яқинлашаётган пайтингизда қисқа фурсат ичидаёқ у қавмдошларига хавф ҳақида хабар берибгина қолмай, балки бу хавфнинг қай даражада катта ёки кичиклиги ҳақида ҳам етарлича маълумотларни етказишга улгурар экан.

Масалан, олмахоннинг кутилмаганда овозини кўтариб чийиллаши «Диққат! Маълумот бераман!» — деган маънони англатади. Ундан кейин эса, улар бошқа овоз усулларидан фойдаланиб, маълумотнинг ўзини айта бошлайдики, бу товушларнинг асосий қисми ультратовушли спектрда узатилгани боис уларни эшитмаслик ҳам мумкин.

Канадалик тадқиқотчилар олмахонлар ҳаётидан яна бир ғаройиб жиҳатни кашф этишди: гап шундаки, тунда олмахонлар болаларининг қорнини тўйдириб, ухлатишдан олдин уларнинг уясидан оддий ҳуштак товушига ўхшаш чиқиллашлар анчагача эшитилиб туради. Тадқиқотчилар бу ғаройиб овоз нимани англатиши ҳақида узоқ бош қотирдилар. Ва охир-оқибат улар она олмахонлар кичкинтойларига уйқуга кетишидан олдин... эртак айтиб беришади, деган хулосага келишди.

Интернет материаллари асосида Дилфуза ҚЎЗИЕВА тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ, Шерали РАҲМОНОВ, Боқижон ЯҲЁЕВ, Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-816. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7660.
1 2 . 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰